# Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў


ISSN 2181-7138

*№ 5/3 - 2022 жыл*

*Илимий-методикалық журнал*



**Редактор:**
***А. Тилегенов***

**Редколлегия ағзалары:**
Мақсет АЙЫМБЕТОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ
Алишер АЛЛАМУРАТОВ
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ
Тўлқин АЛЛАЁРОВ
Умида БАҲАДИРОВА
Фархад БАБАШЕВ
Асқар ДЖУМАШЕВ
Гүлнара ЖУМАШЕВА
Мырзамурат ЖУМАМУРАТОВ
Асқарбай НИЯЗОВ
Сабит НУРЖАНОВ
Уролбой МИРСАНОВ
Бахтиёр РАХИМОВ
Арзы ПАЗЫЛОВ
Барлықбай ПРЕНОВ
Қаххор ТУРСУНОВ
Тажибай УТЕБАЕВ
Саодат ТОШТЕМИРОВА
Амангелди УТЕПБЕРГЕНОВ
Ризамат ШОДИЕВ
Зафар ЧОРШАНБИЕВ
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Гулрухсор ЭРГАШЕВА



**Шөлкемлестириўшилер:**
***Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендириў Министрлиги, ӨЗПИИИ Қарақалпақстан филиалы***

**Өзбекстан Республикасы Министрлер Кабинети жанындағы Жоқарғы Аттестация Комиссиясы Президиумының 25.10.2007 жыл (№138) қарары менен дизимге алынды**

**Қарақалпақстан Баспа сөз ҳәм хабар агентлиги тәрепинен 2007-жылы 14-февральдан дизимге алынды №01-044-санлы гуўалық берилген.**
**Мәнзил: Нөкис қаласы, Ерназар Алакөз көшеси №54**
**Тел.: 224-23-00**
**e-mail: uzniipnkkf@umail.uz, mugallim-pednauk@umail.uz**
**www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz**


*Журналға келген мақалаларға жуўап қайтарылмайды, журналда жәрияланган мақалалардан алынған үзиндилер «Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў» журналынан алынды, деп көрсетилиўи шәрт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледи. Мақалада келтирилген мағлыўматларға автор жуўапкер.*

# МАЗМУНЫ

## ТИЛ ҲӘМ ӘДЕБИЯТ


**Темирбекова А.О.** Из истории исследования междометий ........ 4


## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ


**Примбетов Қ.Т.** Қорақалпоғистондаги архитектура ёдгорликлари ва миллий мерослар орқали талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг аҳамияти ........ 13
**Kadirova Sh.A.** Bo'lajak mutaxassislarni kasbiy faoliyatga tayyorlashda kompetentli-yo'naltirilgan texnologiyalardan foydalanishning nazariy aspektlari ........ 16
**Исағалиева С.** Ўқувчилар функционал саводхонлигини шакллантириш педагогик муаммо сифатида ........ 19
**Султаниязов М.Б.** Глобаллашув жараёнида юксак маънавиятли шахс тарбиясида миллий тарбия имкониятларидан фойдаланиш йўллари ........ 22
**Karamatova D.S.** Zamonaviy ekologik ta'lim mazmunida integrativ yondashuvni ta'minlash ........ 26
**Муродова У.Д.** Педагогикада дидактиканинг асосий категориялари ........ 30
**Султаниязов М.Б.** Глобаллашув жараёнида юксак маънавиятни талаба-ёшлар онгига сингидиришнинг педагогик технологиялари ........ 33
**Mirxalilova N.A.** TIMSS xalqaro tadqiqoti va uning ahamiyati ........ 36
**Курбанова А.Т.** Талабаларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда ахборот технологияларининг ўрни ........ 40
**Мирзаева Н.А.** Рақобатбардош педагог - биологларни тайёрлашда STEAM таълимининг долзарблиги ........ 44
**Quzmanova G.B.** Ijtimoiy tarmoqlarning o'smir yoshidagi o'quvchilarning ijtimoiylashish jarayoniga ta'siri ........ 49
**Умаров А.С.** "Бадиий таълим ва Art marketing" жараёнини бошқаришда кластер ёндашувнинг аҳамияти ........ 52
**Халияров Ж.Х.** Мактаб ўқувчиларда энергия тежамкорлик маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш методикаси ........ 58
**Бердиев Б.Р.** Конвенционал ёндашув асосида талабаларда мустақил таълимни ташкил этиш ва унинг самарадорлик натижалари ........ 62
**Qosimova G.I.** Ta'limni raqamlashtirish va o'qituvchilarning kasbiy tayyorgarligi bo'yicha o'quv qo'llanmasini loyihalash tamoyillari ........ 70
**Матякубов К.К.** Технологик таълимнинг ривожланиш тадрижи: зарурат ва эҳтиёж ҳам тадқиқ ........ 73
**Bekqulov Q.Sh.** Chizma geometriya fanini talabalarga o'rgatishda intigratsiyani qo'lab dars samaradorligni oshrish ........ 78
**Djumaeva M.M.** Markaziy Osyo mutaffakirlarining tabiiy fanlarni rivojlanishdagi xizmatlari ........ 82
**Матякубов К.К.** Мактабларда технологик таълимни ташкил қилиш ва бошқаришнинг педагогик тамойиллари ........ 88
**Абдухаликова М.** Использование информационных технологий и медиаобразования в профессиональной компетентности педагогов ........ 95
**Шамиева О.Р.** Формирование личности современного студента – важнейшая задача высшей школы ........ 98
**Шарахматова А.К.** Адаптация студентов к кредитно-модульной системе обучения ........ 100

**Примбетов Қ.Т.** Эффективная организация духовно-нравственного воспитания студентов ........ 103
**Oromiddinov S.B.** Problems of the practical application of innovative educational technologies ........ 105

## МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲӘМ РУЎХЫЙЛЫҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

**Рахматова Ф.А**. Шарқ мутафаккирлари асарларида ёш-авлодда мустақиллик, миллий онг, миллий мафкура, миллий тафаккур ғояларининг акс этиши ........ 109

## ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

**Jumayev S.Z.** Molekulyar biologiyani o'qitishda masala va mashqlardan talabalarning o'quv ijodiy faoliyatini tashkil etishda foydalanish ........ 113
**Усмонова М.Д.** Рақамли таълим трансформация шароитида кимё таълимини модернизациялаш имкониятлари ........ 118
**Ахмедова У.Ё.** Информатика машғулотларида муаммоли вазиятларни яратиш ........ 120
**Narbayev A.B.** Umumta'lim maktablarida astronomiya fanining mediata'lim bilan integratsiyasi ........ 125
**Худойкулов Р.Қ.** Олий талим муассасаларида ииновацион ёндашувлар асосида "Қурилиш физикаси" фанини ўқитишда технологик компетентликни шакллантириш методикаси ........ 130

## БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

**Қаюмова Д.Н.** Бўлажак тарбиячиларни инклюзив таълим шароитида касбий фаолиятга тайёрлаш технологиялари ........ 134
**Хурвалиева Т.Л., Исманова М.А.** Болалар психологиясининг умумий масалалари ........ 139
**Sultanov M.M., Saydaliyeva L.M.** Boshlangich sinf oquvchilarida mustaqil fikrlash ko`nikmalarini tarixiy ong va tarixiy xotira asosida rivojlantirishning pedagogik imkoniyatlari ........ 143
***Musaeva D.A.*** Daun sindromi bo'lgan bolalarni jismoniy reabilitatsiya qilishning asosiy usullari ........ 148

## ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ҲӘМ СПОРТ

**Toshpo'latov A.A.** O'rta-maxsus bilim yurtlarida gimnastika vositalarini mazmuni va o'tkazish xususiyatlar ........ 154

3. http://lefortvet.ru/animaloterapiya.
4. https://www.aricamp.ru/
5. Назирова Г.М. Мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараенларни такомиллаштириш: Автореф. ... пед. фан..фалс док. (PhD) - Т., 2019. - 45 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада инклюзив таълим шароитида бўлажак тарбиячиларни касбий фаолиятга тайёрлаш технологиялари, уларнинг мазмуни, таълим жараёнидаги аҳамияти ҳамда унлардан таълим амалиётида фойдаланишга оид методик тавсиялар ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье описаны технологии подготовки будущих учителей к профессиональной деятельности в условиях инклюзивного образования, их содержание, значение в образовательном процессе, а также методические рекомендации по их использованию в образовательной практике.

SUMMARY

The article describes the technologies for preparing future teachers for professional activities in the context of inclusive education, their content, significance in the educational process, as well as methodological recommendations for their use in educational practice.

# БОЛАЛАР ПСИХОЛОГИЯСИНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ

***Хурвалиева Т.Л.***

*Чирчиқ давлат педагогика университети*

*педагогика фанлари доктори (DSc), доцент*

***Исманова М.А.***

*Чирчиқ давлат педагогика университети*

*Мактабгача таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** психика, шахс, ривожланиш, қонуният, омил, тафаккур, қобилият, сезги, идрок, диккат, хотира, нутқ, тафаккур, ҳиссиёт, хаёл, ирода, манипулятив, ирсият, муҳит.

**Ключевые слова:** психика, личность, развитие, закономерность, фактор, мышление, способность, психика, восприятие, внимание, память, речь, мышление, эмоция, воображение, воля, манипулятивность, наследственность, среда.

**Key words:** psyche, personality, development, regularity, factor, thinking, ability, psyche, perception, attention, memory, speech, thinking, emotion, imagination, will, manipulativeness, heredity, environment.

Кириш. Болалар психологияси боланинг туғилганидан бошлаб, то мактаб ёшига етгунга қадар психик жиҳатдан тараққий этиш қонуниятлари ва шахсий психологик хусусиятларнинг таркиб топишини ўрганадиган фан. Бола инсон сифатида ташқи жиҳатдан катта ёшли одамларга ўхшаса ҳам, ўзининг психик жараёнлари ва шахсий психологик хусусиятларининг мазмуни жиҳатдан катта ёшли одамлардан кескин фарқ қилади. Маълумки, бола шахси ва унинг психологик хусусиятлари қандайдир тасодифий омилларнинг тартибсиз таъсир этиши натижасида эмас, балки муайян конкрет омилнинг қонуний таъсир этиш орқали шаклланади. Ана шу муҳим қонуний тарзда таъсир қиладиган омилларни аниқлаш ва исботлаш билан болалар психологияси шуғулланади. Шунингдек, бола шахси ва психологик қонуниятларнинг таркиб топиши каби муҳим илмий масалалар ҳамда ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялаб етиштириш қонуниятларини тадқиқ қилади. Болалар психологияси ўзининг мураккаб предметини ўрганишда фалсафага таянади. Маълумки, фалсафа табиат ва жамиятдаги воқеа-ҳодисалар тараққиётининг энг умумий қонуниятларини ўрганади хамда инсон онгининг ижтимоий ҳаётга боғлиқлигини исботлаб беради. Табиат ва

жамият тараққиётининг умумий қонуниятларидан хабардор бўлиш, "табиий зот" бўлиб туғилган боланинг ижтимоий тажрибани эгаллаб, шахс бўлиб шакллантиришда кўмак беради.

Болалар психологияси фани олдида қатор вазифалар мавжуд, бўлиб улар қуйидагилардан иборат:

1. Турли ёшдаги болаларнинг ривожланишига хос бўлган қонуниятларни ўрганиш.
2. Бола психологик тараққиётига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш.
3. Бола шахсига хос бўлган психологик хусусиятларни ўрганиш.
4. Болани мактаб таълимига тайёрлаш.
5. Мактабда муваффақиятли ўқиши учун боланинг ақлий жараёнларини фаоллаштириш.
6. Таълим жараёнида боланинг мустақил, ижтимоий фаол бўлишини таъминлаш.
7. Таълим-тарбия жараёнида боланинг махсус қобилиятларини ривожлантириш.
8. Таълим-тарбия ишларининг психологик моҳиятини асослаш.

Боланинг ақлий тараққиёти қонунларидан хабардор бўлиш турли ёшдаги болалар билан таълим-тарбия ишларини тўғри ташкил қилиш имкониятини беради.

Болалар психологияси предметининг муҳим жиҳатларидан бири турли ёшдаги болаларда сезги, идрок, диққат, хотира, нутқ, тафаккур, ҳиссиёт, хаёл ва ирода каби психик жараёнларнинг намоён бўлиши, тарақққий этиши ҳамда такомиллашувини ўрганишдан иборатдир.

Адабиётлар таҳлили ва методологияси. Хорижий олимлар Ж.Пиаже, Э.Торндайк, Дж.Уотсон, Ф.Галгтон, А.Бине, А.Анастази, Т.Симонлар боланинг психик ривожланишида таълим-тарбиянинг ўрни ва аҳамияти ҳақидаги илмий ғояларни илгари сурадилар.

Жан Жак Руссо боланинг психик табиати ҳақидаги илмий қарашларини "Эмиль ёки тарбия ҳақида" асарида ифодалайди. Инсонинг ички оламини яъни ҳар томонлама етук ва табиий ҳолда ривожлантириш зарурлигини тасдиқлайди. У психик ривожланишни даврларга ажратиб берган [5; 17-б]. 1,5- 5,5 ёшда болалар майда буюмлар билан ўйнайди. Манипуляция ривожланади яъни, майда тошчалар, қум, нўхат ва гуручларни ушлаб кўриб, турли нарсалар ясайди.Иплар ва тугмачалар билан ўйнаш орқали болада идрок ривожланади. Пирамида ва мозаикаларни йиғади. Майда бармоқлар машқлари бажарилади ва хамир, пластилиндан ўйинчоқлар ясайди. 1-4 ёшда бош мия тана билан бирга ривожланади.Илк ёшда эса ақлий ривожланиш жисмоний ва сенсор ривожланиш билан бирга кечади.

Гетчинсон боланинг психик ривожланишини бешта фазага ажратади.Туғилгандан 5 ёшгача- титкилаш ва ковлаш даври. Бу босқичда болалар қумда ўйнашни яхши кўрадилар. Турли майда манипулятив ўйинчоқларни ўйнашга қизиқадилар.

5 ёшдан 11 ёшгача- ушлаш ва овлаш даври. Бунда болалар бегоналардан қўрқадилар, уларда агрессивлик пайдо бўлади, бераҳм бўладилар, катталар олдида фахрланиш кучли бўлади. Лекин яширинча ишлар қилишга ҳаракат қиладилар.

8-12 ёш-бу ёшда болалар ўзининг шахсий бурчаги бўлишини истайдилар. Уй ҳайвонларини яхши кўради, уларни боқади. Қизлар бу ёшда ёқимтой ва мулойим бўлишга интиладилар.

11-15 ёш–табиатга, табиат ҳодисаларига қизиқадилар. Ўғил болалар боғдорчилик қизлар эса гулларни парваришлашга қизиқадилар. Бу ёшда болаларда кузатувчанлик ва эҳтиёткорлик пайдо бўлади.

14-20 ёш-замонавий инсон бўлишга интиладилар. Савдога қизиқадилар, пулнинг ўрни ва аҳамиятини биладилар [5; 137-138-б].

Немис психологи Вильям Штерн бола шахсини ривожланишини таҳлил қилган. Психик ривожланиш-бу ўзини ривожлантириш, ўз ривожланишини авжга чиқариш, боланинг яшаётган муҳитга мослашишидир. Бу назария конвергенция назарияси деб аталади. Психик ривожланишда иккита омил рол ўйнайди-ирсият ва муҳит. Икки омилни таъсирини таҳлил қилиб, болаларнинг асосий фаолият турларидан бири сифатида ўйиннинг психик ривожланишда асосий омил эканлигини тасдиқлади [11;115-124-б].

З.Фрейд "бола психикасининг ривожланишида, атроф-муҳитга мослашишида аксарият ҳолларда салбий муҳит ҳам таъсир кўрсатади"-деб таъкидлайди [9]. Боланинг ҳар бир ҳаракати- катта мия ярим шарларининг ривожланишини таъминлайди. Агарда боланинг табиий ҳаракатига тўсқинлик қилинса, нафақат жисмоний ривожланишига балки, ақлий ва психологик тарқаққиётига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Психолог олим Р.С.Немов фикрича "инсон барча билимларни турли хил манбалардан олиши мумкин. Инсон болаликда атрофидаги одамлар билан тўқнашади, яъни ота-онаси, қариндошлари ва уларнинг ўрнини босувчи бошқа кишилар билан мулоқотда бўлади. Бола катталар билан мулоқотга киришар экан, уларнинг болага билдирган муносабати, фикрлари таъсирида нутқни ўзлаштиради, унда ўз-ўзини баҳолаш ва ўзига ишонч ҳисси пайдо бўлади, шахсий тасаввурлар шаклланади, атрофидаги нарса ва буюмлар, одамларни тушунишни ўрганади" [8;13-б]. Дарҳақиқат болаларда шахсий ижобий фазилатлар шаклланиб, уларда Она юрти, ота-онаси, тенгдошлари ва бошқа одамларга нисбатан меҳр-муҳаббат ҳисси юзага келади. Буларнинг барчаси атроф оламнинг болага таъсири натижасида ҳосил бўлади.

Л.С.Виготский билимларни эгаллашнинг механизмлари "ривожланиш-нинг яқин зонаси-бола бирон бир нарсани мустақил бажара олмайди, лекин катталар ёрдами билан уддалай олади, бола бугун нимани катталар ёрдамида қилса, эртага уни мустақил бажара олади, муҳим ривожланиш зонаси-боланинг мавжуд тайёргарлик даражаси бўлиб, униг қайси топшириқларни мустақил бажара олиши билан ажралиб туради" дея илмий изоҳлайди [1].Натижада бола ўзининг билим, кўникма ва малакаларини, иродавий ва бошқа сифатларини баҳолайди. Бола тенгдошларининг ютуқлари ва ўзининг шахсий муваффақияти ва муваффақиятсизлигини қиёслайди, ўзини таҳлил қилиш кўникмаси шаклланади.

А.Н. Леонтьевнинг фикрича, "турли ёш хусусиятлари индивидуал ривожланишни тақозо қилади, аниқ кўникма ва малакаларни ўзлаштиради". 1,5-2 ёш болаларда аста-секин янги кўникмалар пайдо бўлади, пиёлада сув ичишни ўрганади, мустақил овқат ейишни ўрганади, 3 ёшда мустақил кийинади [4].

М.Давлетшин фикрича, "асосан уч ёш давридан бошлаб, боланинг мустақил фаолияти кучая бошлайди. Мактабгача ёшдаги болаларга бериладиган тарбия уларнинг мураккаб ҳаракатларни ўзлаштириш, элементар гигиена, маданий ва меҳнат малакаларини шакллантириш, нутқни ривожлантириш ҳамда ижтимоий ахлоқ ва эстетик диднинг дастлабки куртакларини ҳосил қилиш давридир" [2;38-б].

Натижа ва мулоҳазалар. Ота-оналар ва катталар болага нима қилишни истаса имкон бериши керак. Айрим ота-оналар болага мустақил ҳаракат қилишига тўсқинлик қилади, бироқ фарзандини мустақил ҳаракат қилишига ҳалал бермас-

лик лозим. Мабодо, 5 ёшгача бола ташаббусига қаршилик билдирса, кейинчалик у мустақил ва эркин бўла олмайди. Мактабгача ёш даврининг ўзига хос психологик жиҳатлари мавжуд бўлиб, тарбиячи-педагоглар мазкур жиҳатлардан хабардор бўлишлари талаб этилади. 2,5-6 ёшдаги болаларни меҳрибон бўлиш, мулоқот қилишга ўргатиб борилади. Турли ёшдаги инсонлар билан ўзаро алоқада бўлиш кўникмаси шакллантирилади. Мулоқот шакллари ўзлаштирилади, тенгдошлари билан муносабатда бўлади, ўзаро келишув малакалари шаклланади.

М.Монтессори таъкидлашича, "болаларга кутишни, хато қилган бўлса кечирим сўраш, раҳмат айтиш ва ҳамкорлик қилишни ўргатиш зарур" [6]. Сензитив даврнинг муҳим хусусиятлари шундаки, болалар атроф муҳит таъсирига жавоб қилмаса, келажакда у салбий натижа бериши мумкин, масалан: 1 ёшда бола нутқий таъсирга жавоб бермаса, кейинчалик тўлиқ сўзлаша олмаслиги мумкин. Шунинг учун ота-оналар бола нутқи ва эшитиш жараёнига алоҳида эътибор қаратиши керак.

Хулоса ва тавсиялар. Мактабгача таълим ташкилотларида болаларнинг ҳаёти, уларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўқув-тарбиявий фаолият ташкил этилади. Тарбиячи айни бир вақтнинг ўзида болаларнинг хатти-харакатлари ва феъл-атворларини ўргана олмайди. Шунинг учун улар диққат эътиборини бир неча кун давомида у ёки бу болага қаратиб, уни ҳар томонлама чуқуррок ўрганишига харакат килиши лозим. Болаларнинг барча хусусиятларини бирданига ўрганиб бўлмайди. Болаларнинг эҳтиёжлари қизиқишлари, майл ва истаклари, қобилиятлари, диққатлари, нутқ ҳамда тафаккурларининг хусусиятларини бирин-кетин шошмасдан ўрганиш лозим. Тарбиячи кундалик иш шароитида болаларни ўрганар экан, у кузатиш, эксперимент, ёрдамчи методлардан фойдаланиши мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар:

1. Виготский Л.С. Вопросы детской психологии.М.: СПб.: Союз, 1997.-224 с.
2. Давлетшин. М.Г., Ш.Дўстмуҳамедова ва бошқ. Ёш даврлари ва педагогик психология.Ўқув методик қўлланма.-Т.: 2004-129 б.
3. Каримова В.М, Акрамова Ф.А. Психология. Маърузалар матни ФТДК,ДИТАФ Т.-2000.
4. Леонтьев А.Н. Лекции по общей психологии. М.: Смысл. 2001-511 с.
5. Марцинковская ТД. Детская практическая психология: Учебник/ М.: Гардарики, 2003.-255.
6. Монтессори М. Помоги мне сделать это самому.М.: И.Д.Карапуз, 2002.-252
7. Нишанова З. Болалар психодиагностикаси. Т.:1998-147 б.
8. Немов Р.С Практическая психология:Познания себя.Влияние на людей.: Пособие для учащихся.- М.:Гуманит.изд.центр ВЛАДОС, 1998-320 с.
9. Ғозиев Э. "Психология" Дарслик. "Ўқитувчи" нашриёт-матбаа ижодий уйи. Т.:2008-247 б.
10. Ғозиев Э. Онтогенез психологияси. Т.: 2010- 157б.
11. Штерн В., Брушлинский А. Дифференциальная психология и ее методические основы. М.: Наука,1998-247 с.

РЕЗЮМЕ

Мақолада мактабгача ёшдаги болалар психологияси фанининг умумий муаммолалари таҳлил этилган. Шунингдек, психолог олимларнинг бола психик тараққиётига оид назариялари келтирилган. Болалар таълим-тарбиясига доир илмий тавсиялар берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируются общие проблемы психологии детей дошкольного возраста. Также представлены теории ученых-психологов о психическом развитии ребенка. Даны научные рекомендации по воспитанию детей.

SUMMARY

The article analyzes the general problems of the psychology of preschool children. Theories of psychologists about the mental development of the child are also presented. Scientific recommendations on the upbringing of children are given.